
МСК Матбуот хизматига раҳбар тайинланди

Сайловлар жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли катта. Улар сайловчиларни сайлов жараёнларининг боришидан хабардор этиш, сайловолди ташвиқотини олиб бориш, номзодларни ташвиқ қилишда мухим восита бўлиб хизмат қиласди.

Бу борада ОАВ билан алоқаларини таъминлаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Айни шу мақсадда МСК Матбуот хизматига Ризаев Наврӯз Ибодуллаевич раҳбар этиб тайинланди.

Наврӯз Ризаев 1969 йилда туғилган, олий маълумотли. Тбилиси давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги – филолог, рус ва грузин тили ўқитувчиси. 2017 йилдан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston 24” телерадиоканали давлат унитар корхонаси “O’zbekiston 24” телеканали “Таҳлилнома” ахборот-таҳлилий дастурлар бўлимининг катта муҳаррири лавозимларида ишлаб келмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати

Манба: <http://elections.uz/uzb/events/news/46067/>

2019-10-23 13:57:55